

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛГАЙМИЗ!!!

Беҳруз Тоштемиров

Ўзбекистон Республикаси

Сурхондарё вилояти,

Жарқўрғон тумани

2-умумтаълим мактаб ўқувчиси

Аннотация: *Шу Ватанда яшаётган ҳар бир фарзанд болалигидан китобга меҳр қўйиб, илм-фан сирларини чуқур ўзлаштириши, ўтмиш тарихимиздан хабардор, бугунги дориломон кунларга сабабчи бўлган буюк аждодларимиз қолдирган билимларни пухта ўзлаштирган, буюк давлатчилигимизга асос солган саркардалар, маънавиятимиз, адабиётимиз намояндаларини билишимиз шарт.*

Калит сўз: *Адабиётшунос, Ватанпарвар, инсонларнинг фазилатлари маданий мерослари, бадиий тафаккур мевалари дунё адабиёти дурдоналарига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигига шубҳа йўқ.*

“Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасоратлари олдида бош эгамиз. Ўз тарихини билган ютади”.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муҳтарам Юртбошимиз доим биз ёшларнинг бахту саодати учун ҳаракат қиладилар. Ўтаётган ҳар бир кун ўзгача шуқуҳ ва шодумонликка бой. Яратидаётган шарт-шароит биз ёшларнинг илм чўққиларини забт этишимизда қанот бўлмоқда. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Тўра, Ғулом Зафарий, Абдурауф Фитрат каби мутафаккирларнинг асарлари нашр қилинмоқда. Китобсевар ёшлар учун бундан яхши совға бўлиши мумкинми? Инсон болалигидан китобга меҳр қўйиши. Акс ҳолда илм-фаннинг сирларини ўзларштириб бўлмайди.

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган нодир асарларни ўзлаштириш билан бирга, тафаккуримизни кенгайтиришимиз, илмда юксак чўққиларни забт этишимиз керак. Уларнинг ишончини оқлашимиз лозим. Алишер Навоий каби миллий адабиётга ўзгача меҳр қўйиш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари Она юрт қадрини биладиган, Абдулла Қодирийдай ўлмас асарлар яратиш, Маҳмудхўжа Беҳбудийдек кучли драматург, Абдулҳамид Чўлпондек Ватан меҳрини қалбдан туйиш, Абдулла Авлонийдек ёш авлоднинг таълим-тарбиясига оид илмий-тадқиқот ишлари, Мунавварқоридек Ватанпарвар инсонлар, Абдурауф Фитратдек доим мақсад

сари бориб, юртнинг келажаги учун буюк ҳисса қўшган, Исҳоқхон Тўранинг фидокорона меҳнати, Ғулом Зафарийнинг илмга чанқоқлиги биз ёшларга ўрнаак бўлмоғи керак. Бугунги Ўзбекистон ёшлари шундай улўғ аждодларга муносиб фарзанд бўлигимиз лозим.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Алишер Навоий ва Бобурнинг ҳайкали ўрнатилди, кўчаларга номлари берилди. Машҳур ўзбек жадидларининг озодлик, истиқлол йўлидаги ҳаракатлари, эркинлик йўлидаги фидокорлиги, шу билан бир қаторда, уларнинг "миллий таълим ва тарбия тизими"ни яратишдаги ҳиссаси учун "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан.
2. Ёшлар ижодий ўйи. 2022 йил нашри.